



GUARANTEES AIMED AT ENSURING THE RIGHTS OF THE SUSPECT AND THE ACCUSED DURING THE PRE- TRIAL PROCEEDINGS

Saidov Bakhrom Anvarovich

Head of the Master's program of the Academy
of the Ministry of Internal Affairs, Doctor of Law, Professor

Amanov Azamat Akmal ugli

Independent Researcher of Academy of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816243>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

Suspect, accused, defendant, defendant, catch, detain, defense lawyer, inquirer, investigator, prosecutor.

ABSTRACT

This article analyzes legal and regulatory acts aimed at safeguarding the rights of suspects and accused individuals in pre-trial proceedings, in accordance with the criminal procedure legislation of the Republic of Uzbekistan. Additionally, the opinions of experts from various national and foreign countries on this issue were studied. The research examines the changes implemented to ensure the rights of suspects and the accused in pre-trial proceedings since Uzbekistan gained independence, their essence, and the challenges currently faced. Based on this analysis, relevant proposals and recommendations are put forward.

ГАРАНТИИ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА ОБЕСПЕЧЕНИЕ ПРАВ ПОДОЗРЕВАЕМОГО И ОБВИНЯЕМОГО ПРИ ДОСУДЕБНОМ ПРОИЗВОДСТВЕ

Саидова Бахрома Анваровича

Начальник магистратуры Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

Аманов Азамат Акмал угли

Министерство внутренних дел Республики Узбекистан

Независимый студент Академии. E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816243>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

ABSTRACT

В статье анализируются нормативно-правовые акты, направленные на обеспечение прав подозреваемого и обвиняемого в досудебном производстве в соответствии с уголовно-процессуальным законодательством Республики Узбекистан. В то же время были изучены мнения специалистов ряда национальных и зарубежных стран по этому вопросу. Проанализированы изменения,



KEYWORDS

Подозреваемый, обвиняемый, подзащитный, подсудимый, поймать, задержать, адвокат защиты, дознаватель, следователь, прокурор.

направленные на обеспечение прав подозреваемого и обвиняемого в досудебном производстве после обретения независимости, их сущность, проблемы, с которыми сталкиваются на сегодняшний день, и выдвинуты соответствующие предложения и рекомендации.

ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН КАФОЛАТЛАР

Саидов Баҳром Анварович

ИИБ Академияси Магистратура бошлиғи, юридик фанлар доктори профессор

Аманов Азамат Акмал ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси мустақил

изланувчиси E-mail: azamat.amonov.92@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17816243>

ARTICLE INFO

Received: 25th November 2025

Accepted: 29th November 2025

Online: 30th November 2025

KEYWORDS

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ушлаш, ушлаб туриш, ҳимоячи, суриштирувчи, терговчи, прокурор.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига биноан ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга, бир қатор миллий ва хорижий мамлакатлар мутахассисларининг бу борадаги фикрлари ўрганилган. Мустақиллик йилларидан кейин ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ўзгартиришлар, уларнинг мазмун моҳияти, бугунги кунда учраётган муаммолар таҳлил қилиниб, тегишли таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, хусусан, унинг бир шакли сифатида ҳимояланиш ҳуқуқини тўлақонли таъминлаш давлат олдида турган вазифаларнинг марказий бўғинини ташкил этади. Шу сабабдан, мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш борасида қатор ислохотлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Энг аввало, “инсон ҳуқуқларига содиқлик”, “демократия ва ижтимоий адолатга садоқат”, “республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш”, “инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш” каби ғоялар



олий мақсад сифатида Асосий Қонунимизнинг Муқаддимасида конституция даражасида мустақамланди ҳамда унинг бутун мазмунида, шу орқали барча қонун нормалари руҳиятида акс эттирилди.

Жиноий судлов ишларини юритишда гумон қилинувчи вақтинчалик қатнашувчи иштирокчи ҳисобланади ва унга нисбатан айблов эълон қилинган, у процесснинг бошқа иштирокчисига айланади. Жиноят ишини юритиш давомида унинг ҳуқуқларига даҳл қилувчи реал таҳдидлар юзага келиши мумкин. Жиноят-процессуал муносабатларнинг иккинчи томонида давлат ҳоқимияти ваколатларига эга бўлган давлат органи ва мансабдор шахс мавжуд бўлишини инобатга олсак, шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатлари, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Гумон қилинувчининг ҳуқуқини ҳақиқатда таъминлаш жиноят процессида гуманизм ва демократизмни баҳоловчи мезон ҳисобланади. Бу эса давлат учун шахснинг гумон қилинувчи мақомида бўлган даврда унинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор бериши кераклигини талаб қилади. Бундай таъминотнинг муҳим фактори мавжуд процессуал кафолатлар ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кафолатлар нафақат шахсга ўзининг ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятини таъминлайди, балки бир вақтнинг ўзида тергов органларининг юз бериши мумкин бўлган қонунга хилоф хатти-ҳаракатларидан ҳам сақлайди. Бу маънода жиноят процессининг ҳар бир институти, ҳар бир процессуал принцип жиноят ишини тўла, ҳар томонлама, холисона тергов қилиш ва адолатли ҳал этишнинг процессуал кафолатидир. Юридик адабиётларда “шахснинг ҳуқуқи” ва “шахснинг эркинлиги” тушунчалари ҳамда уларнинг аҳамияти билан боғлиқ турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, ўзбек процессуалист олими Б.А.Саидов фикрига кўра, ишни судга қадар юритишда иштирок этаётган шахснинг ҳуқуқи – инсоннинг Конституция, Жиноят-процессуал кодекс ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган барча ажралмас ҳуқуқлари мажмуидир. Шахснинг эркинлиги эса инсоннинг Конституция, Жиноят-процессуал кодекс ҳамда ишни судга қадар юритиш босқичига оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тақиқланмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлигидир[1].

Бошқа бир олимлар гуруҳи “инсон ҳуқуқлари” ва “инсон эркинлиги” тушунчаларининг мувозий равишда ишлатилиши улар ўртасида қатъий фарқ борлигини билдирмаслигини таъкидлайдилар[2]. М.Р.Чутбаева кўра эса инсоннинг шахсий ва сиёсий турмуш соҳасидаги айрим қонуний ҳуқуқлари давлатнинг асосиз аралашувидан ҳимояланиш мақсадида тарихан эркинлик сифатида шаклланган. Бошқача айтганда шахс эркинлиги – инсонга берилган ва ўз қарашлари, хоҳишлари ва тасаввурлари доирасида фикрлаш, ҳаракат қилиш, ўз мақсадларига эришиш имкониятидир[3]. Ўзбек тилининг изоҳли луғати бу сўзга “бирор жихатдан чекланиш, тазйиқдан ҳоли бўлиш, кишининг ўз истаги бўйича иш тутиши” дея таъриф берган[4]. Бу фикрлардан кўринадики, мазкур тушунчалар



мазмунида кескин фарқ кузатилмайди. Жиноят процессида шахс эркинлигининг чегараси унга тегишли бўлган ҳуқуқлар йиғиндиси билан белгиланади.

Жиноят-процессуал кафолатлар жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида етарлича тадқиқ этилган. Жумладан ҳуқуқшунос олим Ғ.М.Абдусаломов процессуал кафолатлар одил судловнинг кафолатлари бўлиб, жиноят процесси шундай процессуал кафолатларнинг тизими ҳисобланишини билдириб ўтган[5]. Рус олими А.В.Гриненко жиноят-процессуал кафолатларни қуйидаги таркибий қисмларга ажратган[6]: 1) жиноят-процессуал шакл; 2) жиноят ишини юритиш принциплари; 3) жиноят процесси иштирокчиларининг қонунда белигиланган ҳуқуқ ва эркинликлари. И.Кочалова ва О.В.Кочаловалар юқоридагилардан ташқари гумон қилинувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунда белгиланган мажбуриятларни ҳам процессуал кафолат сифатида тушунтиради[7].

Шулардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, гумон қилинувчи ҳуқуқлари кафолатлари дейилганда гумон қилинувчи ҳуқуқлари акс этган жиноят-процессуал нормалар, жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг мажбуриятлари, ушбу мансабдор шахсларнинг процессуал фаолияти, ҳимоячининг процессуал фаолиятини тушуниш мумкин.

Ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаш айна вақтда шахс ҳуқуқий мақомининг кафолатланганлигини англатади. Процессуал кафолатларнинг ишлаб чиқилганлиги бутун тизимнинг ривожланганлик мезони сифатида қаралади ва сиёсий режимнинг қай даражада инсонийлигини ҳам билдиради. Баъзи процессуалист олимлар процессуал кафолатларни “ҳуқуқий воситалар тизими” сифатида тушунтирса, бошқа бир гуруҳ олимлар мазкур тушунчани “ҳуқуқий воситалар”, “восита, усул ва шарт-шароитлар” сифатида таъриф берса, кейинги гуруҳ олимлар уни “бутун жиноят-процессуал ҳуқуқи” сифатида ўрганганлар[8]. Қонунчиликда ўрнатилган ҳуқуқий воситалар тизими одил судловни таъминлаш, жиноят ишини юритиш вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади[9]. Шунингдек, “Кафолат” деганда ишни юритишга масъул бўлган давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг процесс иштирокчиларининг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилаган фаолияти ва уни амалга оширишга қаратилган ҳуқуқий воситалар ҳам тушунилади[10].

Бошқа бир олим А.С.Стройкова фикрига кўра, жиноят-процессуал кафолатлар ҳуқуқ нормасида акс этган процессуал фаолият иштирокчиларига уларнинг ўз мажбуриятларини бажариш ва берилган ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятини берувчи ҳуқуқий воситалар ҳам тушунилади[11]. А.В.Смирнов ва К.Б.Калиновскийлар “мажбурият” атамаси ҳам мансабдор шахсларга, ҳам иш натижасидан манфаатдор бўлган томонлар (гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчи) учун ҳам тегишли эканлигини таъкидлашган[12].

Юқоридаги фикрландан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, берилган таърифлар бир биридан жиддий фарқ қилмайди. Умумий хулоса қиладиган бўлса, жиноят процесси иштирокчиларининг процессуал кафолатлари деганда, биринчидан, жиноят-процессуал қонун томонидан процесс иштирокчиларига



ҳақиқатда ҳимояланиш ва ўзларининг ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш имкониятини берадиган процессуал нормалар йиғиндиси бўлса, иккинчидан, процесс иштирокчиларининг қонунга риоя этишларини таъминлаш бўйича давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонуний фаолияти саналади.

Жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари кафолатларининг асоси Конституциямизда ўз аксини топган. Унга кўра, давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимида шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ҳамда бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари кўрсатиб ўтилган. Бу ҳуқуқларнинг муҳим кафолати сифатида тенглик принципини (19-модда) олишимиз мумкин. Конституциянинг 27-моддаси эса шахснинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини кафолатлайди. Унга кўра, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш орқали шахснинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи ҳам кафолатланган. Конституциямизда ҳам ҳуқуқий кафолатларнинг етарли даражада кенг доираси келтирилган. Ҳам конституциявий, ҳам қонунчиликни бошқа кафолатларининг бутун ҳаммасини, фуқаролар, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ, эркинликлари ва мажбуриятларининг юридик кафолатларининг бутун бир яхлит тизимда кўриш лозим. Бундан ташқари, гумон қилинувчининг процессуал кафолати мазмунини шахсни гумон қилинувчи тариқасида жалб қилишнинг жиноят процессуал қонунчиликда белгиланган тартиби, ҳимояланишга бўлган ҳуқуқлар мажмуи, шунингдек суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг фаолияти ҳам ташкил этади. Шахснинг ҳуқуқини чеклайдиган ёки ундан бутунлай махрум қиладиган жиноят-процессуал қонун нормасининг бузилиши ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона ўрганишга тўсқинлик қилади ва жиноят-процессуал қонунчиликнинг жиддий бузилиши ҳисобланади [13]. Бизнингча, жиноят процессида кафолат маъносида одил судловни самарали амалга ошириш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ва қонун билан ўрнатилган усул ва воситаларни тушуниш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 48-моддасига мувофиқ, гумон қилинувчи ўзининг нимада гумон қилинаётганлигини билиш ҳуқуқига эга. Шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан чиқариладиган қарорда шахс қайси жиноятни содир этишда гумон қилинаётганлиги кўрсатилиши лозим (ЖПК 360-модда). Агар шахс жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушланган бўлса, гумон қилинувчига у жиноят содир этишда



гумон қилиб ушланганлигини маълум қилиш масъул ходимларнинг мажбурияти ҳисобланади (ЖПК 224-модда). Ушлаб туриш баённомасида ҳам шахс қандай жиноятни содир этганликда гумон қилинаётганлиги, албатта кўрсатилиши шарт (ЖПК 225-модда). Мазкур нормалар мазмунидан кўринадикки, қонун гумон ва ушлаб туриш мажбурлов чорасини ёнма-ён тушунтирмоқда. Қонунчилигимизда айнан қандай маълумотлар шахсни жиноят содир этганликда гумон қилишга асос бўлиши аниқ назарда тутилмаган. А.А.Терегулова гумон ҳақида тўхталиб, уни суриштирувчи, терговчининг шахс томонидан жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги асосли тахмин, дея таъкидлаган[14]. Бу билан муаллиф ҳар қандай тахмин ҳам гумон қилиш учун асос бўла олмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди “асосли тахмин”га шахснинг қилмишни содир этганига холис кузатувчини ишонтириши мумкин бўлган етарли факт ва маълумотларнинг мавжудлиги, дея таъриф берган[15]. Бундан келиб чиқадикки, шахснинг жиноятни содир этганлигига асосли гумон, яъни етарли факт ва маълумотлар мавжуд бўлгандагина у ишга гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиниши мумкин.

Шахсни жиноят содир этганликда гумон қилиш учун асослар ЖПКнинг 359-моддасида кўрсатиб ўтилган. Унга кўра, шахс ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган бўлса ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мавжуд бўлса, у жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинади. ЖПКнинг 221-моддасида жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш асослари кўрсатиб ўтилган бўлиб: 1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этганидан кейин қўлга тушса; 2) жиноят шохидлари, шу жумладан жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар; 3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса; 4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса. Бироқ, 359-моддада назарда тутилган “ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар”, яъни айнан қандай маълумотлар асос бўлиши белгиланмаган. Ваҳоланки, ЖПКнинг 82-моддасида шахсни айблаш учун асослар, яъни шахсни айблаш учун исботланиши керак бўлган ҳолатлар аниқ кўрсатиб қўйилган.

Жиноят содир этганликда кимнидир гумон қилиш учун аниқ, холис, адолатли ва асосли фактлар бўлиши лозим. Бошқача айтганда, гумон – бу жиноят субъекти ҳақидаги тахмин бўлиб, бирор факт ёки ҳолат тўғрисида тўлиқ бўлмаган хабардорлик ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди айнан асосли гумон шахсга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни узайтириш учун зарурий талаб бўлиши кераклигини тушунтирган. Миллий қонунчилигимизда эса бу тартиб кўпроқ “айбловнинг асослигиги”га мос келади, яъни қамоққа олиш эҳтиёт чораси асосан айбланувчиларга нисбатан қўлланилади. Хаттоки олимлар ушбу эҳтиёт чорасини қўллашда суд томонидан гумоннинг асослиги ўрганилмаслиги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорнинг бекор



бўлиши ва жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши деб қабул қилиниши кераклигини таъкидлашади[16]. Тергов жараёнида жиноятга даҳли бўлган ёки жиноят белгиларини ўзида сақлаган шахслар, нарса-буюмлар аниқланиб, улар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг ёки суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг гумонига тушади. Бу шахсларнинг бевосита жиноятга даҳлдорлиги эса бирор бир тергов ҳаракати ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан аниқланади. Қонунчилигимизни таҳлил қилиш натижасида маълум бўладики, “гумон қилиш учун асослар” аниқ кўрсатилмаган. Шунингдек, ушбу тушунча кенг маънода қўлланилмаслиги тарафдоримиз, яъни қарор қабул қилиш мавҳум гумонлар асосида юз бермаслиги керак.

Диссертация иши доирасида ўтказилган ижтимоий сўровда қатнашган респондентларнинг 82,0 фоизи *“Ҳар қандай алоқадор маълумот шахснинг жиноят содир этганликда гумонланишига асос бўла оладими?”* деган саволимизга *“йўқ, шахснинг жиноятга даҳлдорлиги ҳақида асосли гумон бўлиши керак”* деб ўз жавобларини берган. Бундан келиб чиқадики, шахсни гумон қилинувчи деб топишнинг асослари аниқ белгиланиши керак ва бу гумон асосли, яъни аниқ далилларга асосланиши керак. Бу масалада АҚШ қонунчилигида алоҳида стандарт ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда у исботлаш стандарти сифатида дунёнинг аксарият ривожланган давлатлар қонунчилигида ўз аксини топмоқда. Шахснинг содир этилган жиноятга алоқадорлигини тасдиқлайдиган фактик маълумотларнинг мавжуд бўлиши уни жиноят содир этганликда гумон қилишга асос бўлиши лозим. Исботлаш стандарти сифатида асосли тахмин – жиноят процессида гумон қилинувчи пайдо бўлишига хизмат қилади. Бу ўринда гап миш-мишлар ва тахминларга эмас, балки фактларга асосланган эҳтимоллик ҳақида боради, зеро қарор бу ҳолда далилларнинг тўлиқ бўлмаган мажмуига асосланади. Бунда терговчи, суриштирувчи ёки прокурорнинг шахсни гумон қилинувчи деб топиш ҳақидаги қарорга келишлари учун асосли гумон мавжуд бўлиши керак. Айнан ЖПКнинг 359-моддасида кўрсатилган ҳолатлар: ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асосларга кўра шахсни ушлаш туриш учун ёхуд ишда уни жиноят содир этишда гумон қилишга асос берувчи маълумотлар мазкур исботлаш стандарти ишлашини таъминлаши керак. Шунинг учун Жиноят-процессуал кодексга 82¹-модда киритиб, уни *“Асосли гумон – жиноятнинг содир этилишига шахснинг даҳлдорлиги бўлиб, ушбу кодексда ўрнатилган тартибда тергов ҳаракатларини ўтказиш ёки процессуал мажбурлов чораларини қўллаш учун зарур бўлган исботлаш стандарти саналади. Бунда фактик маълумотлар шахснинг содир этилган жиноятга даҳлдорлиги тўғрисида хулоса қилишга асос бўлиши лозим”* мазмунидаги норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки бугунги кунда халқаро ҳамжамият томонидан инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинган. Шундай экан, ҳар бир давлатда ҳар қандай жараёнда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари асоссиз чекланмаслиги лозим. Одил судловни амалга ошириш жараёнининг ўзи жамият ва шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга



қаратилган бўлиб, ушбу жараёнда жиноят содир этишда айбланаётган шахсларнинг ҳам муайян ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари эсдан чиқмаслиги, уларнинг ҳам ҳуқуқ ва эркинликлари тўла туқис таъминланиши амалдаги қонунларга барчанинг бир хилда риоя этишига, қонун устуворлиги ва қонунийлик кучайишига олиб келади. Айнан шу мақсадларда жиноят ишларининг юритуви мобайнида моддий жиҳатдан имконияти ночор бўлган гумон қилинувчи ва айбланувчиларга малакали ҳуқуқий ёрдам берилиши ва бунинг учун давлат ҳисобидан ҳақ тўланиш тартиби белгилаб қўйилган.

References:

1. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. -15б. <https://interaktiv.oak.uz/avtoreferat/3a0264f01.file>
2. Муаллифлар жамоаси. Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИБ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. — 20 б. https://www.minjust.uz/upload/iblock/0c0/pravo_uz.pdf
3. Чутбаев М.Р. Гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини чеклашнинг халқаро тажрибаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2014. -50б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20E.pdf
5. Абдусаломов Ғ.М. Жиноят процессида шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатлари. Юрид...фан. ном...дисс. Т.:2008.-Б.23.
6. Уголовный процесс : учебник / отв. ред. А. В. Гринен-У26 ко. — 2-е изд., перераб. — М. : Норма, 2009.С. 26-27. http://lib.maupfib.kg/wp-content/uploads/Ugolovnyy-process_Otv.-red.-Grinenko-A.V_Uchebnik_2009-496s.pdf
7. Kachalov V.I. Criminal procedural law. Workshop: textbook. manual for bachelors and masters / V.I. Kachalov, O. V. Kachalova; under total. ed. V. V. Ershova, V. A. Davydova. - 5th ed., Rev. and add. - М.: Publishing house Yurayt, 2014.S. 15-16. https://urss.ru/PDF/add_ru/179476-1.pdf
8. Ovchinnikov Yu.G. The concept of criminal procedural guarantees. Bulletin of the South Ural State University. Series: Right. 2011. No. 19 (236). P. 42.
9. Францифорова С.Ю. Процессуальные гарантии в уголовном судопроизводстве// Следователь. 2008. №4. С.33. <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-ugolovno-protsessualnyh-garantiy>
10. Стройкова А.С. Гарантии прав обвиняемого на предварительном следствии : диссертация ... кандидата юридических наук. - Ростов-на-Дону, 2005. С.38. <http://www.dslib.net/kriminal-process/garantii-prav-obvinjaemogo-na-predvaritelnom-sledstvii.html>



11. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации : У26 учебник / отв. ред. П. А. Лупинская. — 2-е изд., перераб. и доп. — М. : Норма, 2009. С.53. <https://www.academia.edu/5186099>
12. Смирнов А.В. Уголовный процесс : учебник / А.В. Смирнов, К.Б. Калиновский ; под общ. ред. проф. А.В. Смирнова. — 4-е изд., перераб. и доп. — М. : КНОРУС, 2008. - С.10. http://lib.maupfib.kg/wp-content/uploads/UGOLOVNYIY-PROCESS-smirnov_kalinovsky.pdf
13. Топольскова И.А., Габриелова Ю.В. [Правовые гарантии законности ограничения прав человека и гражданина в досудебных стадиях уголовного процесса. Вестник Луганской академии внутренних дел имени Э.А. Дидоренко.](#) 2018. № 2 (5). С. 166.
14. Терегулова А.А. Правовое положение подозреваемого в уголовном процессе России: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Челябинск, 2008. С. 11. https://www.susu.ru/sites/default/files/dissertation/teregulova_antonina_aleksandrova.pdf
15. Постановление Европейского Суда по правам человека от 30.08.1990 «Дело «Fox, Campbell and Hartley v. the United Kingdom» (жалобы № 12244/86, 12245/86, 12383/86). [Электронный ресурс]. URL: european-court.ru/.../foks-kempbel-i-xartli-protiv-soedinennogokorolevs... (дата обращения: 16.04.2015).
16. Rudich V.V. Checking the reasonable suspicion when making the court decision on choosing the measure of restraint in the context of the resolution of the Plenum of the Supreme court of the Russian Federation of 24 may 2016. <https://cyberleninka.ru/article/n/proverka-obosnovannosti-podozreniya-pri-prinyatii-sudom-resheniya-ob-izbranii-mery-presecheniya-v-kontekste-postanovleniya-plenuma>